

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ” КАФЕДРАСИ

УСМОНОВ ОЙБЕК МУСУРМОН ЎҒЛИ

**“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАҚДИМ
ЭТИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ”**

5340900 -“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

«Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси
муздри

_____ и.ф.н., доц. Б.О.Болибеков

«_____» _____ 2014 й.

Илмий раҳбар:

_____ к.ўқ. Қаландарова Г

«_____» _____ 2014 й.

ТОШКЕНТ – 2014

Мундарижа

Кириш.....	3
 I боб. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
1.1 Молиявий ҳисоботларнинг мазмуни, моҳияти ва мақсади.....	
1.2 Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.....	
 II боб. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ.	
2.1 Молиявий ҳисоботларни турлари	
2.2 “Агрегат заводи” ОАЖда молиявий ҳисоботларни тузиш ва ахборотдан фойдаланувчиларга етказиш тартиби.....	
 III боб. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШНИ ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
3.1 Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро стандартлардаги молиявий ҳисобот турлари.....	
3.2 Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларинидаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишни халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари даражасига яқинлаштириш масалалари.....	
 Хулоса.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

Кириш

Бозор иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида юртимизда амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамияти орасида ўз ўрнига эга бўлган мамлакатлардан бирига айланди. Ҳозирда Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида энг замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан жиҳозланган, ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари билан жаҳон стандартларининг барча талабларига жавоб бераоладиган, ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулот билан таъминлаб келувчи илғор мамлакатлар сафига қўшилганини кўришимиз мумкин. Бундай улкан марраларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу ютуқлар, аввало халқимизнинг, заҳматкаш ўзбек халқининг меҳнат севарлиги, тиришқоқлиги ва албатта тўғри танланган йўлдан оғишмай, бир ёкадан бош чиқариб, меҳнат қилганининг натижасидир.

“Мамлакатимиз бундан йигирма йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистоннинг ўтган давр мобайнида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш борасида эришган марра ва натижаларини холисона баҳолаш зарурати мавжуд эканини англаймиз... Эришган ютуқ ва марраларимизни холис ва муносиб баҳолаш учун авваламбор мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида қандай мураккаб вазиятда бўлганини эсга олишимиз ва ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз зарур...”¹

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим вазифаси хўжалик фаолиятини бошқариш, ҳамда керакли қарор қабул қилиш учун ахборотни шакллантиришдан иборат. Бухгалтерия ҳисоби турли хил ҳужжатлар билан биргаликда ҳисоб регистрлари асосида кундалик ҳисоб маълумотларига кўра узлуксиз ва даврий равишда амалга оширилади. Лекин узоқ муддат учун (ой, чорак, йил)

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кириш сўзидан. 3-б

иш якунларини ўрганишга бу маълумотларнинг ўзи етарли эмас. Уларни гуруҳлаш, жамлаш ва тартибга солиш лозим бўлади, ҳисоботлар айтиш шундай ҳолларда кўплаб имкониятларни яратив беради. Ҳисоботлар хўжалик ҳисобининг барча турларининг маълумотларига кўра тайёрланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботини тайёрлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳисоб жараёнининг якунловчи босқичи ҳисобланади. Ҳисоботда корхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволини тавсифловчи кўрсаткичлар, ҳамда корхона фаолиятининг ҳисобот давридаги (ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик) фаолияти натижалари акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятининг самараллилигини таъминлаш мақсадида, умумхўжалик фаолияти ҳақида, маблағлари, асосий воситалари ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш даражалари ҳақида тўлиқ ва ишонарли иқтисодий ахборотларни тезкорлик билан олиш ва улардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларининг бошқарувчиларига, молиявий ҳисоботларни тушинарли, яъни ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг ҳар бир қисмини, ҳар бир моддасининг иқтисодий моҳиятини аниқ ва тушунарли бўлишини, ҳамда унинг корхона фаолиятидаги ролини, баҳолаш усулларини ва бошқа ҳисобот маълумотларининг бир-бири билан мутаносиблигини таъминлаш каби вазифаларни талаб қилади. Бундан ташқари фойдаланувчи, ҳисоботларни бир-бири билан таққосланганда суммалардаги ўзгаришларни баҳолаш имкониятига эга бўлиши керак бўлади.

“Ўзбекистонни 2013 йилда иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилар эканмиз, биз, аввало, ўтган йилларда иқтисодиётимизда эришилган марралар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, шунингдек, жаҳон бозоридаги реал ва кутилаётган, прогноз қилинаётган ҳолатдан келиб чиқамиз...

Бугун шуни тан олиш керакки, ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш

бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурлар ва кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, бу борадаги аҳвол, афсуски, яхшиланмаяпти, айрим кўрсаткичлар бўйича эса унинг ёмонлашиш тенденцияси кузатилмоқда”.² Президент И.Каримов таъкидлаганидек иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг бошқарув усуллари ва шакллари мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектларга жорий қилиш натижасида жуда кўплаб имкониятлар эшиги очилади. Бу жараён иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида юртимизда кўплаб ишлаб амалга оширилмоқда. Бунга яққол далил сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги иқтисодий-ижтимоий ислохотларни келтиришимиз мумкин. Хусусий тадбиркорлар секторини фаолиятини янада яхшилаш, янада ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилиб келмоқда. Ҳозирги кунда тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинган муҳим қадамлардан бири молиявий ҳисоботларни сони қисқартирилиши, ҳисоботларни топшириш муддатлари узайтирилиши ва уларни замонавий компьютер-технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон тарзда топширишни йўлга қўйилиши бўлди.

“...ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш ҳисобиغا республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йуналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар

² И.А.Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом еттириш”. Т.: «Ўзбекистон» 2013 й.

чоракда факат битта соддалаштирилган статистик ҳисоботни тақдим этадилар, молия ҳисоботи эса йилига бир марта тақдим этилади. Тадбиркорлик субъектларининг 78 фоиздан кўпроғи солиқ ҳисоботини электрон курунида тақдим этмоқдалар. Сунгги йилнинг узидагина 65 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор килинди....”³

Молиявий ҳисобот шаклларида корхона ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия фаолияти натижаларининг йиғма маълумотлари жамланади. Бухгалтерия, статистика, оператив-техникавий ҳисобот маълумотлари асосий ва оборот маблағларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш, уларнинг шаклланиш манбалари ва молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган ва бир-бири билан чамбарчас боғланган кўрсаткичлар тизимидан иборатдир.

Молиявий ҳисобот кўрсаткичларидан корхона ва унинг алоҳида таркибий бўлинмалари (участка, цех ва шу кабилар) хўжалик фаолиятига баҳо бериш учун кенг кўламда фойдаланилади.

Корхона йиллик молиявий ҳисоботни тузаётганда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси, шунингдек бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатларига таяниши лозим.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади – молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асосларини аниқлашда тегишли адабиётлар ва ҳозирги амалиёт асосида мавзуни тўла ўрганиб чиқиб, камчиликларини ёритиб, тегишли хулоса ва таклифларни киритиш.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ишни бажаришда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботни тузиш ҳамда тақдим қилишнинг мақсади ва вазифаларини ёритиш;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2012 йил 16 июль, ПФ-4453-сонли. Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-табирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012й.

- Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботнинг таркиби ва тузилишини кўриб чиқиш;
- Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, молиявий аҳволи ва молиявий аҳволидаги ўзгаришларни ёритиш;
- Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботлардаги элементларни баҳолашни ёритиш.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар сони ҳамда улар кўрсатадиган хизматлар сифати ҳам ортиб бормоқда. Шу муносабат билан ушбу турдаги корхоналарда молиявий ҳисобот ташкил этиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асосларини аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар мазкур тадқиқотнинг предмети ҳисобланади..

Битирув малакавий ишининг объекти. Битирув малакавий ишининг объекти «Агрегат заводи» ОАЖ ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий иши республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг назарий асосларини, Президентимиз И.А.Каримов асарларини, мамлакатимиз иқтисодчи олимларнинг илмий ишларини ўрганишга асосланади. Бундан ташқари, ишни ёзиш давомида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва дарсликлар, ўқув қўлланмалар ўқиб ўрганилди.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиш. Малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари

1.1 Молиявий ҳисоботларнинг мазмуни, моҳияти ва мақсади.

Бозор муносабатлари шароитида корхонани самарали бошқариш унинг хўжалик фаолияти, маблағларидан фойдаланиш, уларни ташкил этиш манбалари тўғрисидаги иқтисодий ахборотларни тезкорлик билан олиш ва фойдаланишни талаб қилади. Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг жамланган гуруҳига киришидан қатъи назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолиятини кўрсатувчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчилар кенг доирасининг ахборотга бўлган талабини қондириш учун тузилади ва вақти-вақти билан тақдим этилади. Молиявий ҳисобот кўпчилик фойдаланувчилар учун асосий молиявий ахборот ҳисобланади. Айрим фойдаланувчилар, тегишли ваколатлар бўлганда, молиявий ҳисоботда бор бўлган ахборотга қўшимча ахборотни талаб қилишлари мумкин.

“Молиявий ҳисобот ҳар бир мамлакатда қабул қилинган тартиб-қоидалар асосида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш натижасида субъектнинг мол-мулки, маблағлари, мажбуриятлари, капитал, даромадлари, харажатлари, фойдаси (зарари)нинг умумий қиймати ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, фойдаланувчилар учун зарур бошқа иқтисодий кўрсаткичларни ўзида мужассам қилган махсус ҳисобот шакллариининг йиғиндисидир”. Чунки, ҳар бир мамлакатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг кўрсаткичлари белгилаб қўйилади.⁴

Молиявий ҳисобот, ҳисоботларга асосланган ёки улар билан боғлиқ бўлган изохлар, мўлжаллар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ахборот саноат ва географик ҳудудларнинг фаолият турлари тўғрисидаги

⁴ Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. 9-бет

молиявий ахборотни акс эттириши ва нархлар ўзгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб бериши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий ахволи тўғрисидаги ахборотлар ташқи фойдаланувчилар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки уларни хўжалик юритувчи субъектга ўз маблағларини сарфлаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ўта аҳамиятли ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини (харажатини қоплай олишини) яққол кўрсатади.

Молиявий ҳисоботнинг мақсади. Молиявий ҳисоботнинг мақсади хўжалик субъектининг молиявий ахволи, фаолияти, молиявий ахволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат. Бироқ молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган бутун ахборотни ўз ичига олмайди, чунки ҳисобот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттиради.

Ҳақиқий ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, махсулот етказиб берувчилар, харидорлар, ходимлар, шунингдек ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қарорига киради. Молиявий ҳисобот ахборотига эҳтиёж қуйидагиларда вужудга келади:

1. Берилган инвестициялар билан боғлиқ рисклар муносабати билан инвесторларда; Акциядорлар ҳам улар корхонанинг дивидендларни тўлаш қобилиятини баҳолашга имкон берадиган ва акцияларни сотиб олиш, сақлаш ва сотиш муддатини белгилашга кўмаклашадиган ахборотдан манфаатдордирлар;

2. Ўзларига тегишли кредитлар ва фоизлар ўз вақтида тўланиши ёки тўланмаслигини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган кредиторларда;

3. Ўзларига тегишли сумма ўз вақтида тўланадими ёки йўқми эканлигини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган махсулот етказиб берувчилар ва бошқа савдо кредиторларида;

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг узлуксиз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган харидорларда, айниқса улар узоқ муддатли битимга эга бўлсалар ёки мазкур хўжалик юритувчи субъектга боғлиқ бўлсалар;

5. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти барқарорлиги ва рентабеллиги тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган ходимларда; Улар ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг ўз иш ҳақларини, пенсияларини ва кейинчалик ҳам ёллаш бўйича ишлаш имкониятларини таъминлаш қобилиятига баҳо бериш имконини яратадиган ахборотдан манфаатдордирлар;


6. Ресурсларнинг тақсимланиши ва бинобарин, субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган давлат бошқаруви органларида. Уларга ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини тартибга солиб туриш, солиққа тортиш сиёсатини белгилаш учун ва миллий даромадни ҳамда бошқа статистик маълумотларни аниқлаш учун асос сифатида ахборот керак;

7. Жамоатчиликда ҳам, чунки хўжалик юритувчи субъектлар маҳаллий иқтисодиётга кўпгина усуллар билан, шу жумладан аҳолини иш билан таъминлаш ва маҳаллий маҳсулот етказиб берувчиларни қўллаб-қувватлаш билан катта ҳисса қўшиши мумкин. Молиявий ҳисобот жамоатчиликни тараққиёт йўналишлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаровонлигини яхшилашда эришилган сўнгги ютуқлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаб, уларга ёрдам беради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва тақдим этилиши учун жавобгардир. Раҳбар ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўшимча ахборотнинг шакли ва мазмунини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорлар хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини кўпайтириш, уларнинг кўпайиш вақтини ҳисоб-китоб қилиш ва натижага эришишга умид

қилишдаги қобилиятини баҳолашни талаб қилади. Бундай қобилият пировард натижада масалан, хўжалик юритувчи субъект ўз ходимлари ва махсулот етказиб берувчиларига ҳақ тўлай олиши, фойзаларни тўлай олиши, кредитларни уза олиши ва даромадни (фойдани) тақсимлай олши ёки амалга ошира олмаслигини аниқлайди.



1-чизма. Молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар.⁵

Фойдаланувчилар пул маблағларини кўпайтириш қобилиятини яхшироқ баҳолайдилар, агар у хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволи фаолиятини ва молиявий ахволидаги ўзгаришларни акс эттирадиган

⁵“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли БҲМС маълумотлари асосида мултиф томонидан тайёрлаган.

ахборот билан таъминланган бўлса. Юқорида келтирилган 1-чизмада ахборотдан фойдаланувчилар ва уларнинг таснифланиши келтирилган.

Хўжалик юритувчи субъект назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар, унинг молиявий тузилмаси, ликвидлиги, тўловга қобилияти, ишлаётган мухит ўзгаришларига муносабат билдира олиши хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳолига таъсир ўтказади. Хўжалик юритувчи субъект назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар ҳақидаги ва унинг ана шу ресурсларни қайта ишлаш қобилияти тўғрисидаги ахборотлар хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида пул маблағларини ва уларнинг эквивалентини кўпайтириш имкониятини прогнозлаш учун зарурдир. Молиявий аҳвол ҳақидаги ахборот келгусида кредитларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун, шунингдек келадиган даромадлар билан пул оқимларини хўжалик юритувчи субъектнинг акцияларига (пайига) эга бўлганлар ўртасида тақсимлашда зарурдир, шунингдек хўжалик юритувчи субъект кейинчалик ўзининг молиявий аҳолини қанчалик муваффақият билан яхшилаётганини аниқлаш учун зарурдир. Ликвидлик ва тўловга қобилият ҳақидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида тўлаётганини аниқлаш учун зарурдир. Ликвидлик яқин келгусида ана шу давр ичидаги молиявий мажбуриятларни тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини аниқлатади. Тўлов қобилияти молиявий мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини аниқлатади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсаткичлари, унинг рентабеллигининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборот иқтисодий ресурслардаги потенциал ўзгаришларни баҳолаш учун талаб этилади. Бундай ахборот келгусида назоратни амалга оширишга имкон беради, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятидаги ўзгаришлар ҳақидаги муҳим ахборот ҳамдир.

Фаолият ҳақидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд ресурслар базасидан пул маблағлари тўплай олишини прогнозлаш учун

зарурдир, бу эса корхона кўшимча ресурсларни жалб қилиши мумкин бўлган самарадорликка баҳо беришни шакллантиришда муҳимдир.

Пул оқимлари ҳақидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини жалб қилиш қобилятига баҳо бериш учун зарурдир, бу эса фойдаланувчиларга ҳар хил хўжалик юритувчи субъектларининг пул оқимларини баҳолаш ва таққослаш учун янги усуллар ишлаб чиқишга имкон беради.

Иқтисодий адабиётларда 1990 йилгача молиявий ҳисобот тушунчаси емас, балки ҳисобот тушунчаси кенг қўлланилган. Молиявий ҳисобот тушунчаси ҳисобот тушунчасидан фарқ қилади. Юқорида таъкидланганидек, молиявий ҳисобот молиявий бухгалтерия ҳисоби, аниқроғи молиявий ҳисоб маълумотлари асосида тузилади. Ҳисобот эса бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ҳисоб (статистик, тезкор) маълумотлари асосида тузилади.

1-жадвал

Ҳисобот ва молиявий ҳисоботни айрим белгилари бўйича таққослаш⁶


№	Таққослаш белгилари	Ҳисобот	Молиявий ҳисобот
1	Фойдаланувчиларга мўлжалланганлигига қараб	Ички ва юқори органлар	Ташқи фойдаланувчилар
2	Тижорат сирини фош қилиш бўйича	Фош қилади	Фош қилмайди
3	Режа кўрсаткичларига боғлиқ	Режа кўрсаткичларига боғлиқ	Боғлиқ емас.
4	Ҳисоботни тузишда фойдаланиладиган манбалари бўйича	Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва тезкор ҳисоб маълумотлари	Молиявий ҳисоб маълумотлари
5	Шакли бўйича	Халқ хўжалиги тармоқлари ва мулкчилик шакли бўйича ҳар хил	Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш «ҳисобот» ва «молиявий ҳисобот» тушунчаларига берилган таърифларда ҳам туб фарқларнинг мавжуддигини кўрсатди, ҳамда ушбу таърифлар уларнинг иқтисодий мазмунини очиқ беради. Молиявий ҳисоботлар ўзаро бир-бири билан боғлангандир, чунки

⁶Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007.

улар хўжалик фаолиятига доир бир хил ҳолатларнинг ҳар хил жихатларини акс эттиради. Ҳар бир ҳисобот битта мақсадга хизмат қилмайдиган ва фойдаланувчиларнинг муайян эҳтиёжларини аниқлаш учун зарур бўлган бутун ахборотни бермайди. Масалан, молиявий-хўжалик фаолиятнинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот, агар ундан бухгалтерлик баланси ва пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот билан уйғунликда фойдаланилмаса, фаолиятнинг бутун манзарасини акс эттирмайди.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот ва молиявий ҳисобот шаклан ва мазмунан, фойдаланувчилар, тижорат сирини мужассам қилиши, фойдаланиладиган манбалари ва режа кўрсаткичларига боғлиқлиги нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Бунинг сабаби марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида унинг талаблари асосида тузилган бўлса, молиявий ҳисобот бозор иқтисодиёти амал қилаётган шароитда вужудга келган.



2-чизма. Ҳисоботларнинг турларига кўра бўлиниши.⁷

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларини ҳозирги кунда турли хилдаги фойдаланувчиларга тақдим этиб келмоқда. Бу ўз навбатида фойдаланувчилар талабига кўра уларга қулай ва тушинарли бўлиш шартларини келтириб чиқаради. Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча турларга бўлинади. Юқорида келтирилган 2-чизмада 3та асосий турлари келтирилган.

⁷И.К.Очилов, Ж.Қурбонбоев. “Молиявий ҳисоб”. Ўқув қўлланма-Т.: “ИҚТИСОД-МОДИЯ”, 2007. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бухгалтерия (молиявий, бошқарув) ҳисоботида корхонанинг ишлаб чиқариш молиявий фаолиятига оид кўрсаткичлар бўлади. Мазкур ҳисобот оператив ва статистика ҳисоботи маълумотларининг жамлама ва тахлилий ҳисоби асосида тузилади ва бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланади. Республиканинг бухгалтерия ҳисоботи кўп жиҳатдан халқаро андозалар талабларини инобатга олгандир.

Статистика ҳисоботи сон ва фақат кўрсаткичлари тизимидан иборатдир, буларни ўлчаш ва умумлаштириш бухгалтерия ҳисоби учун хос емас, бу йўсинда ўлчаш ва умумлаштириш корхона фаолиятининг айрим жиҳатларини акс эттиришга мўлжаллангандир. Чунончи, статистика ҳисоботи ёрдамида ҳажми ва сифатига кўра маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси тўғрисидаги, корхонада қувватлардан фойдаланиш ҳақидаги, иш нормаларини бажариш хусусидаги, меҳнат унумдорлигининг динамикаси тўғрисидаги ахборот шаклланади. Мазкур ҳисобот бухгалтерия, статистика, оператив ҳисоб маълумотларига асосан, республика статистика идоралари белгилаб қўйган услуб ва шаклларга кўра тузилади.

Оператив ҳисобот корхонанинг ички таркибий бўлинмалари фаолиятини ҳўжалик операциялари содир қилинаётган пайтда ёки бундай операциялар якунланиши биланоқ кундалик назорат қилиш ва бошқариш учун мўлжаллангандир. Мазкур ҳисоботда материаллар етказиб бериш режасининг бажарилиши, маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш, шартномаларга риоя этиш тўғрисидаги маълумотлар бор.

Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби тамоилларга асосланган ҳолда тузилади. Улар билан қуйида аниқроқ танишиб чиқамиз.

Ҳисоблаш. Даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисобида эътироф этилади ва келган даврда тушиши ёки пайдо бўлишига қараб (пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида емас) молиявий ҳисоботларда акс эттирилади.

Икки ёқлама ёзув усулида ҳисоб-китобни юритиш. Икки ёқлама ёзув усулида ҳисоб-китобни юритиш деганда шу нарса тушуниладики,

хўжалик юритувчи субъектлар икки ёқлама ёзув тизими асосида бухгалтерия операцияларини қайд этиши керак, икки ёқлама ёзув шундан иборатки, битта операция бўйича битта сумманинг ўзи бухгалтерия ҳисобининг иккита ҳисобварақларида - биттасининг дебитида ва бошқасининг кредитида акс эттирилади.

Узлуксизлик. Хўжалик юритувчи субъект узлуксиз ишлайдиган, яъни белгиланган келажакда ишлашни давом эттирадиган субъект деб ҳисобланади. Унинг ўз фаолиятини тугатиш ёки фаолият кўламини анча қисқартириш нияти ҳам, зарурати ҳам йўқ деб тахмин қилинади.

Хўжалик операцияларини, активлар ва пасивларни пул билан баҳолаш. Барча операциялар ва воқеалар молиявий ҳисоботларда ги ахборотларни умумлаштириш мақсадида пул билан баҳоланади.

Ишончлилик. Ахборот, унда жиддий хатолар ва тахминлар бўлмаса ва унга фойдаланувчилар асосланишса, ишончли бўлади. Операциялар ёки воқеаларнинг ишончлилиги бошлангич ҳисоб-китоб ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Эҳтиёткорлик. Қарорлар қабул қилишда эҳтиёткорлик қондасига риоя қилиш активлар ва даромад қайтадан баҳоланмаслиги, мажбуриятлар ёки харажатлар эса етарлича баҳоланмаслигига йўл қўймаслик мақсадида ноаниқлик шароитида баҳо чиқариш учун зарурдир.

Мазмунининг шаклдан устунлиги. Агар ҳисоб-китоб ҳужжатларида ва молиявий ҳисоботда ахборот операциялар ва воқеаларнинг мазмунини ишончли даражада акс эттирса, бундай ахборот унинг ҳуқуқий шакли билангина эмас, балки моҳияти ва иқтисодий реаллиги билан мувофиқ ҳолда ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур.

Кўрсаткичларнинг қийматлилиги. Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун, бир ҳисобот давридаги ахборот бошқа ҳисобот давридагиси билан қийматланадиган бўлиши керак. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган ҳисоб-

китоб сиёсатидан, ана шу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари лозим.

Молиявий ҳисоботдаги бетарафлик. Молиявий ҳисоботда бериладиган ахборот ишончли бўлиши учун тахминлардан мустақил бўлиши лозим.

Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги. Ҳисобот даврида бўлган даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот давридаги даромадларни олишга асос бўлган харажатларгина акс эттирилади. Агар даромадлар билан харажатларнинг ўртасида бевосита боғлиқликни ўрнатиш қийин бўлса, харажатлар бирон-бир тақсимлаш тизимида мувофиқ бир нечта ҳисобот давлари ўртасида тақсимланади. Бу масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига тааллуқлидир.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш қоидаси шундан иборатки, уларнинг таннарни ёки сотиб олиш қиймати асосий баҳодир.

Тушунарлилик. Молиявий ҳисоботларда берилаётган ахборот фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши керак.

Аҳамиятлилик. Молиявий ахборот фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг еҳтиёжларини қондириш ва уларга операцион, молиявий ва хўжалик фаолиятига баҳо беришда кўмаклашиш учун аҳамиятли бўлиши керак.

Жиддийлик. Агар ахборотни киритмаслик ёки нотўғри тақдим этиш ахборотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилинган иқтисодий қарорларига таъсир еца, у жиддий ҳисобланади.

Ҳаққоний ва холис тақдим. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, операциялар натижалари, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва холис тасаввур яратиши керак.

Тугалланганлик. Молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида ахборот етарлича тўла ҳажмда тақдим этилиши керак.

Изчиллик. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгартириш тамойилини белгилаш учун ҳар хил ҳисобот даврида уларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Ўз вақтида тақдим этиш. Ҳисобот ахборотининг асоссиз даражада кечиктирилиши билан у ўзининг иқтисодий аҳамиятини йўқотади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ молиявий ҳисоботда қуйидаги ахборотлар бўлиши лозим:

- ✓ инвестиция қарорлари ва кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда керак бўладиган ахборот;
- ✓ субъектнинг бўлажак пул оқимларини баҳолашда фойдали ахборот;
- ✓ субъектга берилган ресурслар, мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот.

1.2 Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин илгариги иқтисодий тизим ўрнига жаҳон стандартларига мос демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг “ўзбек модели” танлаб олинди. Ҳозирги даврда иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш, ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва ривожлантириш вазифаси турибди. Шунингдек, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини, хусусий мулкчилик шаклига айлантириш ҳисобига иқтисодиёт ва кўп соҳаларни такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Бозор муносабатларининг жадал ривожланиши, жаҳон мамлакатлари билан рақобатбардош иқтисодиёт шакллантириш заруратини келтириб чиқарди. Бу эса ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобини юритишни, дунё

стандартларига жавоб берадиган ҳисоб тизимини вужудга келишига сабаб бўлди. Бу бир қатор объектив сабаблар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг энг асосийлари жаҳон иқтисодий ҳамжамиятларини глобаллашиши, давлатлар иқтисодиётидаги жадал ривожланиши, ҳамда ишончли ахборотга бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқдир.

Хозирги замон иқтисодий шароитларига мослашишга тайёр бўлиб жамият томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қўйиладиган талабларни қондириши керак.

Кичик тадбиркорлик субъектлари хўжалик муомалаларининг кам ёки кўплигини эътиборга олган ҳолда ҳисобнинг соддалаштирилган шаклини қўллаш ва амалдаги (21–сонли БХМС) счётлар режаси асосида кичик бизнес субъектлари учун қисқартирилган ишчи счётлар режасини тузиш орқали ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга 20–сонли БХМСда корхоналар раҳбарлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш жараёнида чет ташкилотлар, ихтисослашган бухгалтерия фирмаларини жалб этиши, яъни аудиторнинг хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Бухгалтерия ҳисобини халқаро талаблар даражасига кўтариш бўйича Молия Вазирлиги томонидан чиқарилаётган барча бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилди ва улар Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш меъёрий тизимининг элементи ҳисобланди. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришдаги роли беқиёсдир. Чунки ушбу қонуний ҳужжатда биринчи марта Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан биргаликда корхона раҳбарлари ва мутахассисларга бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий масалаларини ечишда етарли даражада ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди. Ушбу ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби эса № 1 сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» андозаларининг 1-50 бандларида ёритиб берилган.

Унда ҳар бир корхона мустақил равишда ўзининг бухгалтерия ҳисоби тизимини, яъни ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бухгалтерия ҳисобини бундай тарзда йўлга қўйилишининг моҳияти шу билан характерланадики, унда давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ҳар бир корхона ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятида кўзланган мақсадга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби бажариши лозим бўлган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоб тизимини ишлаб чиқади.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада такомиллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ва қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш жамият олдидаги устивор вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари корхона, ташкилотлар ва акциядорлик жамиятларида қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий-услубий асосини ташкил этувчи бундай муҳим ҳужжатлар қуйидаги 3-жадвалда акс эттирилган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонуннинг кўрсатмалари ва моддалари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида (БҲМС) ўз аксини топади.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганига бир қанча муддат ўтди. Шу ўтган давр ичида унга замон талабига кўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб келинмоқда. Шу билан биргаликда Республикамиз иқтисодиётида жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгина ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

*Молиявий ҳисоботларнинг меъёрий ҳуқуқий асослари*⁸

№	Меъёрий ҳужжатлар
1	"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун. (1996 й. 30-август).
2	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996 йил 29 августда тасдиқланган
3	Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 1997 йил 24 апрелда тасдиқланган.
4	"Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни
5	"Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" номли 1-сон БҲМС
6	"Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар" номли 2-сон БҲМС
7	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом
8	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи билан тасдиқланган "Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида"ги Низом
9	"Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида" Низом. 2002 йил 12 январда тасдиқланган
10	"Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"номли 1-сон БҲМС
11	"Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар" номли 2-сон БҲМС
12	"Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" номли 3-сон БҲМС
13	"Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш" номли 8-сон БҲМС
14	"Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот" номли 9-сонли БҲМС
15	"Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот"номли 14-сон БҲМС
16	"Бухгалтерия баланси" номли 15-сон БҲМС
17	"Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" номли 19-сон БҲМС,
18	"Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" номли 21-сон БҲМС
19	"Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш" номли 23-сонли БҲМС
20	Ва бошқа қонун,низом ва йўриқномалар киради.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун 24 та моддадан иборат. Моддалар одатда боблар таркибида бўлади. Масалан, молиявий ҳисоботга тегишли масалалар қонундаги қуйидаги 6 та мустақил моддаларда акс

⁸ Битирув малакавий ишни шакллантириш давомида керак бўлган меъёрий--ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

этирилган: 16-модда “Молиявий ҳисобот”, 17-модда “Умумлаштирилган молиявий ҳисобот”, 18-модда “Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври”, 19-модда “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”, 20-модда “Молиявий ҳисоботни эълон қилиш”, 21-модда “Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот” деб аталади.

Ушбу қонуннинг мақсади - Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, умумий белгиланган молиявий ҳисоботни тузиш ва топширишнинг бир хиллик асосини белгилайди, бухгалтерия ҳисобига тегишли бошқа муносабатларни тартибга солади.

Бухгалтерия ҳисоби - бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг пул ифодасидаги активлари, хусусий капитали, мажбуриятларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни, ҳўжалик операцияларини ёппасига ва ўзлуксиз ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан йиғиш, рўйхатга олиш ва умумлаштириш тизимидир”⁹- деб ёзади иқтисод фанлари номзоди профессор А.Сотволдиев “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонунни такомиллаштириш йўлида” номли мақоласида. Қонун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлари, молиявий ҳисоботлар олдига қўйилган негиз вазифалар, мақсад ва талабларни белгилаб беради.

⁹и.ф.н. проф.А. Сотиволдиев,. и.ф.н. доц Б. Болибеков. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонунни такомиллаштириш йўлида ТМИ Конференция материаллари 14.12.2013

II боб. Молиявий ҳисоботларнинг турлари, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиби

2.1 Молиявий ҳисоботларнинг турлари

Молиявий ҳисобот алоҳида мустақил корхона бўлиши ёки хўжалик юритувчи корхоналарнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар, бажарадиган ва субъектга таъсир кўрсатувчи молиявий воқеаларни ва муаммоларни кўрсатиш усули ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг шаклланиши қисқа вақтда, ҳисобот даври муомалалари тугагандан сўнг рўй беради ва корхонадан профессионал бухгалтерия билимлари ва кўникмаларидан ташқари, қўшимча маълумотлар тузиш (изоҳлар, тушунтиришлар) кетма-кетлигига риоя қилиниши талаб қилинади.



3-чизма. Йиллик молиявий ҳисобот таркиби¹⁰

¹⁰ “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1-сон БҲМС маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Юқорида келтирилган 3-чизмада хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботларнинг турлари келтирилган.

Концептуал асос молиявий ҳисоботга, шу жумладан бирлаштирилган молиявий ҳисоботга алоқадордир. Молиявий ҳисобот фойдаланувчилар кэнг доирасининг ахборотга бўлган талабини қондириш учун тузилади ва вақти-вақти билан тақдим этилади. Молиявий ҳисобот кўпчилик фойдаланувчилар учун асосий молиявий ахборот ҳисобланади. Айрим фойдаланувчилар, тегишли ваколатлар бўлганда, молиявий ҳисоботда бор бўлган ахборотга қўшимча ахборотни талаб қилишлари мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг асосий хужжати бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ҳисобланади. Бухгалтерия баланси корхонанинг хўжалик маблағларини ва уларни ташкил топиш манбаларини ҳолатини характерлайди. Бухгалтерия баланси халқаро стандартларга яқинлаштирилди. Ҳисобот даври давомида бўлга барча операцияларнинг якуний ҳолатини фойдаланувчига кўрсатиб берувчи ҳисобот ҳисобланади. Бу ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, хўжалик юритувчи субъект фаолиятига баҳо бериш мумкин.

Қуйидагилар бухгалтерия балансининг мажбурий унсурлари ҳисобланади:

- Моддий активлар
- Номоддий активлар
- Молиявий активлар
- Захиралар
- Дебиторлик қарзи
- Пул маблағлари ва пул эквивалентлари
- Кредиторлик қарзи
- Ажратмалар
- Фоиз тўлашни талаб қилувчи мажбуриятлар

- Хусусий капитал ва захиралари

«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-сон шакл) да хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлар харажатлар турлари, шунингдек, молиявий натижалар; сотишдан олинган соф тушум; сотишдан олинган ялпи молиявий натижа; фойда солиғи тўлашдан олдинги молиявий натижа (фойда еки зарар); ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) кўрсатилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги мажбурий унсурлар бўлиши лозим:

- Реализациядан тушган маблағлар
- Операцион фаолиятнинг натижалари
- Молиявий фаолият натижалари
- Фавқулотда фойдалар ва зарарлар

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушинтиришларда даромадлар ва харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича тасниф қилиш йўли билан даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиб бериши керак.

Харажатларни фаолият турлари бўйича тасниф қиладиган хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг турлари бўйича қўшимча ахборотни, жумладан, эскириш (амортизация) харажатларини, ходимларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни, хом ашё ва халқ истеъмоли молларидан фойдаланиш харажатлари бўйича қўшимча ахборотларни очиб беришга мажбурдир.

Худди шу шаклга «Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотлар» илова қилинган, унда бюджетга барча тўловлар бўйича, бунга солиқ қонунчилигини бузганлик учун иқтисодий санкцияларни ҳам қўшиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон ГИУ юриқномасига кўра ҳисоб китоблар бўйича тегишли барча суммалар ва бюджетга ҳақиқатда тўланган суммалар кўрсатилади.

«Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» (3-шакл) Ушбу ҳисобот асосий воситаларнинг ҳаракати, асосий воситалар эскиришини(амортизациясини) ҳисоблаб ёзиш тўғрисидаги қўшимча ахборот ҳисобланади. Бу ҳисоботда ижарага берилган ва ижарага олинган асосий воситалар тўғрисидаги ахборот ҳам тақдим қилинади.

«Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» (4-сон шакл)да корхона молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назарида акс эттирилади: хўжалик фаолиятида олинган пуллар ҳаракати ; олинган ҳамда тўланган фойзалар ва дивидентлар; тўланган солиқлар; олинган ва қўйилган инвестициялар; аксиялар ва займлар, шунингдек ижара мажбуриятлари бўйича тушумлар ва тўловлар.

Кундалик хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлган пул маблағларидаги барча ўзгаришлар шундай тартибга акс эттириладики, у пул маблағлари қолдиғи билан уларга эквивалент бўлганлар ўртасида, яъни қисқа муддатли юқори ликвид инвестициялар, эркин айирбошланадиган пул маблағлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

4-сон шаклга «Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома» илова қилиниб, унда давр боши ва охирига бўлган қолдиқлар, валюта маблағлари тушуми ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

«Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5-сон шакл) да маблағлар ҳаракати, яъни маблағларнинг йил бошига ва охирига қолдиқлари, манбалар бўйича ўсиши, ўз маблағларининг ҳар бир тури бўйича камайиши: устав сармоя, захира сармоя, тақсимланмаган фойда тўғрисидаги маълумотда кўрсатилади. Агар зарар бўлса, унда ўз сармояси бўлган қопланмаган зарар суммаси кўрсатилади. Ҳисоботнинг мана шу шаклида чиқарилган акциялар тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

Тушинтиришлар таркиби.

Молиявий ҳисоботларга тушунтиришлар мунтазам равишда тушинтириш хати тарзда бўлиши керак. Тушунтиришлардаги ахборот молиявий ҳисоботда

келтирилган тегишли моддаларга боғлиқ равишда тақдим этилиши лозим. Тушунтиришлар одатда шундай тузиладикки у фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни яхшироқ англаб этишда ва уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи билан қуйидагича қиёслашига ёрдам беради:

- Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқлиги ҳақидаги ҳисобот
- Ўлчов асоси ва бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган сиёсат тўғрисидаги ҳисобот
- Молиявий ҳисоботда келтирилган моддалар учун ёрдамчи ахборот
- Шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ахборотлар, молия билан боғлиқ бўлмаган ахборотлар ва бошқа ахборотлар.

2.2 “Агрегат заводи” ОАЖда молиявий ҳисоботларни тузиш ва ахборотдан фойдаланувчиларга етказиш тартиби

Корхонанинг йил чораги ва йиллик молиявий ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича кўрсатмаларда назарда тутилган талабларга катъий риоя қилиб тузилган ҳисоботида ўтган давр мобайнида унинг молиявий-хўжалик фаолиятининг хажмлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида етарлича ахборот бўлади.

Молиявий ҳисобот шаклларида барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Корхонада тегишли активлар, пасивлар, операциялар мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоботлари тузилаётганида қуйидагилар таъминланиши керак:

- Бухгалтерия ҳисоботлари кўрсаткичларининг жамлама ва таҳлилий ҳисоб маълумотлари билан айнанлиги, одатда, ҳисобот давридаги кириш-чиқар баланси кўрсаткичлари ҳисобот давридан илгариги давр учун якунловчи баланс кўрсаткичларига айнан бўлади.

- Корхона ўз фаолиятининг барча турлари бўйича мустақил баланс тузади. Ушбу балансда мол-мулкнинг таркиби ва уни шакллантириш манбалари акс этади.

- Йиллик ҳисоботга тушунтириш хати илова қилинади, аудиторлик ташкилоти текширган бўлса, аудитор хулосаси ҳам илова қилинади. Тушунтириш хатида қуйидаги маълумотлар бўлади: корхонанинг ташкил этилиш санаси ҳақида маълумотлар, унинг манзили, ташкил этилишдан мақсад, фаолият турлари, корхона таркиби. Корхона ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш программасининг бажарилишига алоҳида эътибор берилади.

- Хўжалик фаолияти натижалари, мулкӣ ва молиявий аҳвол тўғрисидаги корхонанинг йиллик бухгалтерия ҳисоботи манфаатдор бўлган фойдаланувчилар, яъни биржалар, харидорлар, мол етказиб берувчилар ва бошқалар учун очик бўлади. Бухгалтерия ҳисоботи у тақдим этилиши лозим бўлган муддатдан кечиктирмай белгилаб қўйилган манзилларга жўнатилади. Ёшон қилинаётган ҳисоботнинг тўғрилигини мустақил аудиторлик ташкилоти тасдиқлайди.

- Барча корхоналар ва муассасалар учун 1 январдан тортиб 31 декабргача бўлган давр ҳисобот йили деб саналади.

1-иловада молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми келтирилган. Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) “Корхона, ташкилот” реквизити - корхонанинг тўлиқ номи (белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТга кўра унинг коди кўрсатилади;

б) “Тармоқ” реквизити - корхона тармоғи ва ХХТУТга кўра тармоқ коди кўрсатилади;

в) “Ташкилий-ҳуқуқий шакл” реквизити - корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ТХТга кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг коди кўрсатилади;

г) “Мулкчилик шакли” реквизити - корхонанинг мулкчилик шакли ва МШТга кўра мулкчилик шаклининг коди кўрсатилади;

д) “Вазирликлар, идоралар ва бошқалар” реквизити - ихтиёрида корхона турган (агар у мавжуд бўлса) ва унга молиявий ҳисобот йўналтириладиган органнинг номи ҳамда ДБПБТга кўра ушбу органнинг коди кўрсатилади;

е) “Солиқ тўловчининг идентификация рақами” реквизити - СТИР бўйича корхонанинг идентификация рақами кўрсатилади;

ж) “Худуд” реквизити - МҲОБТ бўйича код кўрсатилади;

з) “Манзил” реквизити - корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади.

Корхона ва ташкилотлар барча алоҳида мустақил балансга ажратилмаган бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шакллариининг кўрсаткичларига киритилиши керак.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси бўлиб ҳисобот даврининг охириги тақвимий куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

1 октябрга қадар янги барпо этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин барпо этилган корхоналар эса - давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам киради) кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари базасида барпо этилган корхоналарга татбиқ этилмайди).

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Унда хўжалик юритувчи субъектнинг активлари, капитал ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар маълум бир даврга акс эттирилади. “Баланс” атамаси лотинча “икки палла” деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Корхона балансининг моддалари активлар ва мажбуриятларнинг пухта ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши керак.

Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БХМС) “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” белгиланган тартибда ўтказилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишга қадар доимий ишлаб турган инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида аниқланган, бойликлар ҳақиқий мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига қараганда тафовутлари тартибга солиниши керак. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини инвентаризациялашлар ҳам ўтказилиши керак, улар ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлайдиган солиштириш далолатномалари ёки хатлар билан расмийлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.


Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисоботда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни молиявий ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларидаги (улар тасдиқланганидан кейин) тузатишлар унинг маълумотларини бузишлар аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Ўтган даврда йўл қўйилган фундаментал (муҳим) хатоларни тузатиш суммаси молиявий ҳисоботда йил бошидаги тақсимланмаган фойда

сальдосини ўзгартириш ҳамда активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг бошқа моддаларига тегишли тузатишлар киритиш йўли билан акс эттирилиши мумкин.



4-чизма. Бухгалтерия балансининг белгилари бўйича таснифланиши.¹¹

Юқорида келтирилган 4-чизмада бухгалтерия балансининг белгилари бўйича турлари келтирилган. Бу турларига қуйида батафсил тўхталамиз.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия балансининг қуйидаги турлари мавжуд;

✓ кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиш вақтига тузилади. У корхона ўз фаолиятини бошлаётган бойликлар суммасини белгилайди.

✓ жорий баланслар корхона қонунчилик билан белгиланган муддатда мавжуд бўлган вақт мобайнида вақти-вақти билан тузиб турилади.

✓ тугатиш баланслари корхона тугатилганда тузилади.

✓ бўлиш баланслари йирик корхона бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтига ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасини бошқа корхонага бериш вақтига тузилади. Баъзида бу баланс бериш баланси ҳам дейилади.

¹¹ Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

✓ бирлаштириш баланси бир неча корхоналар бор корхонага бирлашганда (қўшилганда) тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича баланслар қуйидагиларга бўлинади;

✓ бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилали.

✓ йиғма баланс бир марталик баланслар асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, аксиядорлик жамиятлари ва шу кабилар)нинг ҳўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилик шаклларига кўра давлат, кооператив, ўз, аралаш ва қўшма корхоналар, шунингдек, жамоат ташкилотлари баланслари фарқланади.

Акс эттириш объектига кўра баланслар мустақил ва алоҳида балансга ажратилади. Мустақил балансни юридик шахс бўлган корхоналар тузади.

Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, сеҳлар, корхонанинг автотранспорт ва турар жой-коммунал ҳўжаликлари ва шу кабилар) тузади.

Тозалаш усулига кўра қуйидагича таснифланади;

✓ Брутто баланс-тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи балансдир. Воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархи ёки қолдиқ қийматини) аниқлашда суммалар бошқа моддалар суммаларидан чегириладиган моддалар тартибга солувчи моддалар дейилади. Масалан, асосий воситалар қолдиқ қийматини ҳисоб-китоб қилиш учун “Асосий воситалар” суммасидан “Асосий воситаларнинг эскириши” тартибга солувчи модда суммаси чегирилади. Баланс-бруттода тартибга солувчи моддалар суммаси баланс якуни қийматига киритилади.

✓ Баланс-нетто-қийматидан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилган баланс бўлиб, буни “тозалаш” дейилади. Ўзбекистондаги барча корхоналар баланс-нетто тузади, яъни баланс якунига асосий воситалар, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ бўлмаган харажатларни давр харажатларига (ёки

муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ўтган йил учун молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс эттирилади.¹²

Бухгалтерия баланси тузилгунига қадар таҳлилий ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳисобот даври охиридаги Бош дафтарнинг жамлама ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлар билан албатта солиштирилиши керак.

3-жадвал

*Бухгалтерия балансининг таркибий тузилиши*¹³

Актив	Сатр коди	Ҳисо бот даври бошига	Ҳисо бот даври охири га	Пассив	Сатр коди	Ҳисо бот даври бошига	Ҳисо бот даври охири га
1	2	3	4	1	2	3	4
1. Узоқ муддатли активлар				1. Ўз маблағлари манбаалари			
2. Жорий активлар				2. Мажбуриятлар			
2.1 Товар моддий захиралари				2.1 Узоқ муддатли мажбуриятлар			
2.2 Дебиторлар				2.2 Жорий мажбуриятлар			
2.3 Пул маблағлари							
Баланс активи бўйича жами				Баланс пассиви бўйича жами			

Юқорида келтирилган 3-жадвалда баланс таркиби аниқроқ акс эттирилган. 3-устунда ҳисобот даври бошидаги маълумотлар, яъни олдинги ҳисобот даври учун баланс 4-устунда жорий маълумотлари кўрсатилади.

¹² Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган.

¹³ Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

Ҳозир амалиётда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг актив ва пасив томонлари ҳам икки бўлимдан иборат. Бухгалтерия баланси активида маблағлар қуйидаги бўлимлар бўйича гуруҳланган.

1-бўлим. Узоқ муддатли активлар;

2-бўлим. Айланма активлар.

Баланс пасивида маблағлар манбалари қуйидаги бўлимлар бўйича гуруҳланган:

1-бўлим. Ўз маблағлари манбалари;

2-бўлим. Мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансига яққол мисол сифатида 2-илова келтирилган. Бу иловада “Агрегат заводи” ОАЖ нинг баланс ҳисоботи келтирилган.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)

Молиявий натижалар – хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қаршли маблағнинг ошиши ёки камайишидир.¹⁴

Молиявий натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий молиявий натижада олинган даромад қилинган харажат суммадан юқори бўлади ва уни фойда сифатида тан олинади. Корхонанинг асосий масади ҳам яқунда ижобий натижа фойда билан чиқишдир. Молиявий натижада қилинган харажат олинган даромад суммасидан ортиб кетса, у зарар ҳисобланади. Аммо молиявий натижанинг қатор кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топади ва ушбу ҳисобот давридаги даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги оралиқ ва якуний маълумотлар билан таъминлайди.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижасида оладиган даромадлари қуйидаги асосий бўлимлар бўйича гуруҳланади:

- ❖ маҳсулот сотишдан олинган соф тушум;
- ❖ асосий фаолиятнинг бошқа (операцион) даромадлари;

¹⁴ Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. 51-бет

- ❖ молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- ❖ фавқулодда даромадлар.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар олиш билан боғлиқ харажатларни қуйидаги гуруҳлар бўйича кўрсатиш мумкин:

- ❖ маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;
- ❖ давр харажатлари;
- ❖ молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- ❖ фавқулодда зарарлар.

4-жадвал


Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг таркиби¹⁵

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврда		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда(зарар)					
Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (зарар)					
Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар)					
Солиқ тўлангунга қадар фойда					
Соф фойда					

Юқорида келтирилган 4-жадвалда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг бирмунча қисқартирилган шаклини кўришимиз мумкин. Жадвалга эътибор қиладиган бўлсак 1-устунда кўрсаткичларнинг номи келтирилган, 3-4-5-6- устунларда ўтган ва жорий ҳисобот даврлардаги даромад ва харажат маълумотлари келтирилади. Қуйида келтирилган 5-чизмада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни элементларини ҳисоблаб чиқариш тарихи аниқ формулалар асосида аниқ қилиб кўрсатиб берилган.

¹⁵ Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан ташқи ва ички фойдаланувчилар учун шундай кўрсаткичлар тақдим этиладики, булар, биринчи жihatдан корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифласа. Иккинчи жihatдан инвесторлар қўйган маблағлардан нечоғли самарали фойдаланаётганини кўрсатади.



- **ЯФ**- Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)
- **ССТ**- Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум
- **ИТ**- Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннари
- **АФФ**- Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)
- **ДХ**- Давр харажатлари
- **БД**- Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари
- **УФФ**- Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)
- **МД**- Молиявий фаолиятнинг даромадлари
- **МХ**- Молиявий фаолият бўйича харажатлар
- **СТФ**- Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)
- **ФФ/ФЗ** - Фавқулоддаги фойда ва зарарлар
- **ДС**- Фойда солиғи
- **БС**- Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар
- **СФ**- ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)

5- чизма. Молиявий натижаларни шакллантириш¹⁶

¹⁶ И.К.Очилов, Ж.Қурбонбоев.Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма- Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”,2007 маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

Маҳсулот(ишлар, хизматлар) ни реализация қилишдан келадиган соф тушум, реализация қилинган маҳсулотнинг таннари, реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг натижаси; маҳсулот реализацияси бўйича харажатлар, бошқа операция даромадлари ва тушумлар (асосий фаолиятдан), операцияларга оид бошқа харжатлар ва зарралар(асосий фаолиятдан), асосий фаолиятдан фойда, шўба компаниялар ва бирлашган корхоналардан олинган дивидентлар, фоизлар, бошқа заёмлар бўйича олинган фоизлар, хорижий валютаси операциялари бўйича курс тафовутлари, қимматли қоғозларга кўйилган пул маблағларини қайтадан баҳолашнинг натижалари(фойда ёки зарар), шўба компаниялари ва бирлашган корхоналардан олган заёмлар бўйича тўланган фоизлар, бошқа тўланган фоизлар, одатдаги фаолиятдан кўрилган фойда ёки зиён, фавқулотда фойда ёки зарар, фойда ёки даромад сифими, юқорида санаб ўтилган моддалар бўйича кўрсатилмайдиган бошқа солиқлар, жорий йилнинг соф фойдаси ёки соф зарари ҳисоботнинг асосий кўрсаткичларидир.

Бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган даромад таркибини ўрганишда корхона хўжалик фаолиятини бир неча қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин. Бу қисмлар амалиётда фаолият турлари деб номланиб, шунга кўра молиявий натижаларни шакллантириш жараёнини қуйидаги кўринишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади:

Асосий фаолият даромади асосан маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум ва операцион даромадлардан ташкил топади. Бозор муносабатларига ўтиш даврига қадар корхонада маҳсулот сотишдан кўрилган даромади ҳажми фаолият ялпи даромадининг 90 фоизини ташкил қилган. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона молиявий натижалар шаклланиш тартибининг ўзгариши натижасида бу кўрсаткичнинг аниқ салмоғи белгиланмаган ва бу миқдор турли тармоқ корхоналарида биридан кескин фарқ қилади.

Молиявий фаолият даромади. Мамлакатимизда бозор

муносабатларининг ривожланиши билан корхоналар фаолиятида янги ҳисоб объектлари: қимматли қоғозлар, дивиденд, рента, роялти каби иқтисодий терминлар вужудга келди. Айни вақтларда корхона молиявий фаолият турининг асосий инструментлари молиявий активлар, яъни қимматли қоғозлардир. Қимматли қоғозлар бу пуллик ҳужжат бўлиб, ҳуқуқий мақомга эга шахсларнинг уни сотиб олган шахс олдидаги мулкӣ ёки қарз мажбуриятларини ифодалайди. Қимматли қоғозлар амал қилиш муддати мобайнида ўз эгасига дивиденд ёки фоиз кўринишида маълум даромадни кафолатлайди, улар билан боғлиқ жараёнлар корхона молиявий фаолиятининг асосини ташкил қилади. Умумий равишда молиявий фаолият даромади таркибини қуйидагича кўрсатиш мумкин: дивидендлар ва бошқа корхонани ташкил қилишда улушли қатнашишдан олинган даромадлар, қимматли қоғозлар ва қарз маблағлари бўйича олинган даромадлар, валюта ва валюта жараёнлари бўйича даромадлар, мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, қимматли қоғозларга йўналтирилган ва бошқа молиявий маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар, олинган роялти ва сармоя трансферти, молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

3-иловада “Агрегат заводи” ОАЖ нинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи келтирилган. Бу ҳисобот маълумотларини ўрганиш орқали молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳақида тўлиқроқ маълумот эга бўлишимиз мумкин.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл)

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботда корхона асосий воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилди. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатчилар ўртасидаги курашда асосий воситаларнинг таркибий қисми ҳисобланган замонавий техника ва технологияларсиз муваффақиятларга еришиш қийин. Шу билан биргаликда замонавий такомиллашган асосий воситаларни амалиётга қўллаш илмий техника прогрессининг энг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилинишини

таъминлайди. Бу ўз навбатида илм-фан ютуқларини амалиётга қўллаш ва улар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни таъминлайди.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453-сонли Фармонида кўра йиллик молиявий ҳисоботлар таркибидан чиқарилди. Битирув малакавий ишимизда бу ҳисобот шакли ҳозирда топширилмаслигига қармасдан киритдик. Чунки бу ҳисобот, ахборотдан фойдаланувчилар учун малумот ташимоқда.

Асосий воситалар ҳар бир циклдан сўнг ишлаб чиқариш соҳасини тарк этмай, меҳнат жараёнида ўз натура ашёвий шаклини сақлаб қолиши билан тавсифланади. Уларнинг қиймати маҳсулотга бир йўла эмас, балки қисмлаб ўтади. Аммо шундай меҳнат воситалари ҳам борки, улар ўз иқтисодий мазмунига кўра меҳнат куроли ҳисобланади. Бироқ асосий воситалар таркибига кирмайди, балки айланма маблағлар таркибида ҳисобга олинади. Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб уларни асосий воситаларнинг актив ва пассив қисмларга ажратилади.

Асосий воситаларнинг актив қисмига машина ва ускуналар (куч ҳамда ишчи машина ва ускуналар, ўлчов ҳамда тўғрилаш асбоблари ва қурилмалари, лаборатория ускуналари, ҳисоблаш техникаси, бошқа машина ва ускуналар), шунингдек транспорт воситалари киритилади.

Асосий воситаларнинг актив қисмини аниқлашда уларнинг маҳсулот ҳажмининг ўсишига, меҳнат унумдорлигининг ортишига бевосита таъсир етишини ҳам еътиборга олиш лозим. Асосий воситаларнинг пассив қисми ишлаб чиқариш жараёни учун шароит яратувчи ишлаб чиқаришнинг инфратузилмасининг бинолари ва иншоотларини ўз ичига олади.¹⁷

«Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»нинг асосий вазифаси 1-сонли БХМА «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 86-

¹⁷ Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. 74-бет

бандида қуйидагилар ёзилган: «Ушбу ҳисобот асосий воситаларнинг ҳаракати ҳамда уларнинг эскиришини ҳисоблаш тўғрисида қўшимча ахборот беради. Шунингдек, унда ижарага берилган ёки олинган асосий воситалар тўғрисида ҳам ахборот беради».

«Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» учун зарур маълумотларни бухгалтерия ҳисоби счётларида шакллантиришда 5-БХМС «Асосий воситалар» алоҳида ўрин тутди. Чунки асосий воситалар ҳисобини юритиш асосан ушбу ҳисобот билан тартибга солинади. Унда «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» учун зарур бўлган маълумотларнинг ечими берилган:

- асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун қўйиладиган мезонлар;
- асосий воситалар дастлабки қийматини шакллантирувчи харажатлар таркиби;
- асосий воситаларга эскизация ҳисоблаш усуллари;
- асосий воситаларни қайта баҳолаш.

Корхонанинг асосий воситаларини инвентаризация қилиш 19-БХМА «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»га асосан амалга оширилади. Ушбу стандартга мувофиқ асосий воситаларнинг инвентаризацияси қуйидаги муддатларда амалга оширилади:¹⁸

- асосий воситалар-йилда 1 марта, 1 октябрдан кейин;
- иморат, муқим турган объектлар 2-3 йилда 1 марта;
- кутубхона фонди-5 йилда 1 марта;
- капитал қўйилмалар йилда 1 марта, 1 декабрдан кейин.

Инвентаризация натижасининг «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» учун муҳимлигини қуйидагилар билан боғлаш мумкин:

- асосий воситаларнинг ҳақиқатан мавжудлиги тасдиқланади;
- ишлатишга яроқсиз ва таъмирга муҳтож асосий воситалар аниқланади;

¹⁸ «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» номли 19-сонли БХМС дан олинган маълумотлар.

➤ ҳақиқатда мавжуд аммо асосий воситалар таркибида ҳисобга олинмаган объектлар аниқланади ва уларнинг кирими таъминланади.

Корхоналар йиллик ҳисоботни тузишдан олдин ҳисоб-китобларни аниқлаштириш билан боғлиқ қатор тадбирларни амалга оширадилар. Ушбу тадбирларнинг айримлари «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»ни тузишга бевосита алоқадор ҳисобланади. Ушбу тадбирлар таркибий қисмини қуйидаги 6-чизма асосида кўришимиз мумкин:



6-чизма. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан олдин қилинадиган амаллар ва уларнинг тартиби.¹⁹

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳақида аниқроқ маълумотга эга бўлиш учун 4-иловани келтирдик. Бу иловада “Агрегат

¹⁹ “Асосий воситалар” номли 5-сон БХМС маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

заводи” ОАЖ нинг асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи келтирилган.

3-устунда ва 6-устунда тегишлича йил бошида ва охирида корхона балансида қайд этилган корхона асосий воситаларининг, шу жумладан жорий ижарага топширилган, консервацияда бўлган ва ҳоказо асосий воситаларнинг айрим турларининг дастлабки (тиклаш) қиймати акс эттирилади.

4-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йили давомида келиб тушган асосий воситаларнинг қиймати, шу жумладан: илгари ҳисобга олинмаган асосий воситалар, айланма маблағлардан асосий воситаларга ўтиш, шунингдек ҳисобот йилида ишга туширилган янги асосий воситалар молиялашнинг барча манбалари бўйича акс эттирилади.

5-устунда ҳисобот йилида тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талафотларни аниқлаш натижасида ва бошқа сабаблар бўйича чиқиб кетган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати акс эттирилади.

7-устунда ва 10-устунда тегишлича йил боши ва охиридаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

8-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йилида ҳисоблаб ёзилган асосий воситалар бўйича эскириш суммасидаги ўсиш акс эттирилади, шу жумладан илгари тўлиқ ҳисоблаб ёзилмаган эскириш суммасини қўшган ҳолда ва ҳоказо.

9-устунда тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талафотларни аниқлаш ва асосий воситаларнинг бошқача чиқиб кетиши жараёнида чиқиб кетишга доир жамғарилган эскириш акс эттирилади.

11-устунда асосий воситаларнинг йил бошидаги, 3-устун ва 7-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

12-устунда асосий воситаларнинг йил охиридаги, 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл)

Республикамиз амалиётида хўжалик субъектларининг пул маблағлари ҳаракатини акс эттирувчи молиявий ҳисобот шакли собиқ иттифоқ даврида ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам мавжуд бўлмаган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997-йил 15-январдаги 5-сонли буйруғи билан илк маротаба республикамиз амалиётида «Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисобот шакли амал қила бошлади.

«Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш шакли Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» деб номланувчи 9-сонли Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (БХМА) асосида олиб борилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот-корхона фаолиятининг муайян ҳисобот давридаги пул маблағларининг ҳолатига ва жорий даврда пул маблағларининг ўзгаришини тавсифловчи маълумотлар олиш имконини беради.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шакли корхонани самарали бошқариш учун зарур ахборотларни бериш билан биргаликда ташқи фойдаланувчилар учун керакли бўлган маълумотларни ҳам шакллантиради.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари инвесторлар ва кредиторлар учун қуйидаги масалаларнинг ечимини топиш учун насос бўлади:

- келиб тушган ва сарфланган пул маблағларининг тузилмаси;
- пул маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши суммаси;
- келиб тушган ва сарфланган пул маблағлари нисбат коэффициентини (пул маблағлари оқими коэффициентини).

Халқаро бухгалтерлар ассоциацияси (ФАСВ кенгаши) тақдимотиға кўра, "Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида"ги ҳисоботнинг асосий мақсади қилиб компаниянинг барча инвесторлари ва кредиторларини пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар билан йетарли даражада таъминлаш.

Хорижлик олимлар Б.Нидлз ва Х.Андерсонларнинг фикрига кўра, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг асосий мақсадига қуйидагича тавсиф берилади: «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий мақсади бўлиб, ҳисобот даврида корхонанинг пул ва пул маблағларини кирими ва чиқими тўғрисидаги маълумотларни батафсил акс эттириш» ҳисобланади.²⁰

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назаридан корхонанинг молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар акс эттирилади.

Бу ҳисобот билан яқиндан танишиш мақсадида 5-иловада “Агрегат заводи” ОАЖ нинг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботи келтирилган.

Операцион, инвестицион ва молиявий фаолият боришида пул маблағларининг ҳаракати ҳисобот даврининг боши ва охирида пул маблағларининг қолдиқлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини берадиган тарзда акс эттирилади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл)


Корхоналар ўз фаолиятларини узлуксиз давом эттиришлари учун меҳнат воситалари, предметлари ва ишчи кучларига эга бўлиши лозим. Улар билан таъминлаш учун корхонада маблағлар мавжуд бўлиши зарур. Ушбу маблағлар билан таъминлаш манбаи ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўз маблағлар манбаининг асосини, хусусий капитал ташкил этади. Хусусий капитал ҳам капитал ҳам ўз навбатида бир қанча кўрсаткичлар мажмуидан ташкил топган бўлиб, унинг шаклланишиши ушбу омиллар асосида белгиланади, яъни:

²⁰ Н.Ю.Жўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. 89-бет

- устав капитали;
- резерв капитали;
- қўшилган капитал;
- тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ва бошқалар.

Ўз маблағлари манбаи кенг қамровли тушунча бўлиб, у бир қанча кўрсаткичлар мажмуидан иборатдир, улар қуйида келтирилган 7–чизмада тасвирланган :



7-чизма. Ўз маблағлари манбаининг таркибий тузилиши.²¹

Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 30-августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида «Хусусий капитал-устав капитали, қўшилган ва резерв капиталидан ҳамда тақсимланилмаган фойдадан таркиб топади» деб кўрсатилган. Ўз маблағлар манбаи таркибига кирувчи айрим кўрсаткичлар (мақсадли тушум ва фондлар,

²¹ БҲМС маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

келгуси давр сарфлари ва тўловлар учун резервлар, келгуси давр даромадлари) моҳиятига кўра хусусий капитал кўрсаткичлари билан бир хилдир. Шу сабабли, хусусий капитал ҳисоби улар билан бирга олиб борилади ва уларни маблағларининг манбаи сифатида қараши инкор қилинмайди.

Хусусий капиталнинг шаклланиши–хўжалик жараёнини юритиш мақсадида жалб қилинган хусусий маблағлар, унинг фаолияти давомида еришилган соф фойдаси ҳамда инфляция таъсирида юзага келган тафовут суммалари натижасида жамланган маблағлари асосида тартибга солинади. Шунингдек, бу маблағлар манбаи аксарият ҳолларда хўжалик фаолиятининг дастлабки босқичларидан юзага келади.

Хусусан Ерик Хелферт:-«Капитал–фонд, корхонага акционерлик мулки сифатида (устав фонди) ёки бошқа узоқ муддатли молиялаштириш асосида ташкил этилган маблағлар» деб айтилади. Ушбу таърифда «Устав фонди» жумласининг киритилганлиги капитал мазмунан акционерлик ва устав фондини акс эттиришини билдиради. Шу билан биргаликда, ривожланган мамлакатлар амалиётида акционерлик капитали деган атамага таъриф беришда «Устав фонд», «Устав капитал», жумлаларини ҳам келтирадилар. Бу билан уларнинг бир-бирига шаклан ва мазмунан мослигини яна бир бор тасдиқлаб, унинг фарқи мулк эгалигида деб қаралади.

Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот ҳисобот даврида корхона ўз капиталининг ҳолати ва уни шакллантириш манбалари бўйича ҳаракатини акс эттиради. 6–иловада “Агрегат заводи” ОАЖ нинг Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботи келтирилган. Ҳисоботнинг таркиби қуйидагича:

а) 3-устунда -“Устав сармояси”- таъсис ҳужжатларида қайд этилган ва устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) кўрсатилган устав сармоясининг суммаси кўрсатилади;

б) 4-устунда - “Қўшилган сармоя” - қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) қайд этилган қўшилган сармоя суммаси кўрсатилади;

в) 5-устунда -“Захира сармоя”- қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, захира сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) қайд этилган

захира сармоя маблағлари суммаси акс эттирилади;

г) 6-устунда -“Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар)” - тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700) қайд этилган, йил бошида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси кўрсатилади;

д) 7-устунда - “Сотиб олинган ўз акциялари” - сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) қайд этилган, корхонада бўлган сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси; уларни кейин тарқатиш ёки йўқ қилиш учун, кўрсатилади;

е) 8-устунда - “Мақсадли тушумлар ва бошқалар” - мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан, махсус жамғармалар, бошқа корхоналар, жисмоний шахслардан грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари кўринишида текинга олинган активлар ва бошқа мақсадли тушумлар, шунингдек ўз сармоясини шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсатилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома

(2а шакл)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1154-сон Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида” ПФ-2340-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999 йил 7-сон) дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатиш, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач ўтказиб юборилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги “Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 439-сон қарори билан (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил 21-сон, 151-модда) белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги “Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида”ги 57-сон қарорининг 5-иловасига киритилган айрим корхоналар олинган газ учун якуний ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоб оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида амалга оширадилар. Ушбу корхоналарга нисбатан муддатит ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати ҳисоб-китоб оyi тугаган кундан бошлаб 30 кун ўтгач белгиланади.²²

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 511-сон қарорига кўра етказиб берилган (истеъмол қилинган) электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар муддати барча юридик шахсларга календарь ой тугаганидан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги “Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5-сон қарорига кўра кўрсатилган (истеъмол қилинган) коммунал хизматлар учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар муддати барча юридик шахсларга календарь ой тугаганидан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш

²² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил 5-сон, 57-модда

тартиби тўғрисидаги низомга ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 йил, 17-18-сон, 146-модда) мувофиқ:

а) марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни амалга оширувчи бош пудратчи ташкилотлар учун, шартномада кўрсатилган камида 45% миқдоридаги сумма бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати объект қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилиб олинган кундан бир ой ўтгач белгиланади;

б) марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни амалга оширувчи бош пудратчи ташкилотлар учун шартномада кўрсатилган 5% миқдоридаги кафолат суммаси бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати шартномада келишилган кафолат муддати тугаган молиявий йил якунлангандан сўнг белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 245-сон қарорига кўра (“Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами”, 2000 йил 6-сон, 33-модда), марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиши ёки товарни қайтадан олиб келиш муддати 60 кундан ошмаслиги керак, муассислар томонидан хориждаги корхоналар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборлари) манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича - 180 кундан ошмаслиги керак. Ташқи савдо операциялари бўйича қарз божхона чегарасидан ўтилганидан кейин тегишлича 60 ва 180 кун ўтгач ўтказиб юборилган деб ҳисобланади.

Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугаганидан кейин келадиган кундан бошлаб ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича ўтказиб юбориш муддати сўндиришнинг муайян муддатлари белгиланган хўжалик шартномалари асосида аниқланади.

Тушинтириш хатлари ва очиб беришлар

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар корхонанинг ҳисоб сиёсатини очиб бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак.

Молиявий ҳисоботга тушунтириш хати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БХМС) “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил 5-сон)да назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилади.²³

Молиявий ҳисоботлар маълум бир ҳисобот даври ёки маълум бир ҳисобот санаси бўйича тузилади. Бунда бухгалтерия баланси ва ҳисобварақлардаги қолдиқлар бўйича маълумотлар маълум бир санага якунланади, молиявий ҳисобот шаклларининг қолганлари эса маълум бир давр учун тузилади.

Молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда календар йилидан фарқли равишда даврлар бўйича (ой, чорак учун) ҳам тақдим етилиши мумкин.

Корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи мулкчилик шаклидан қатъий назар, тўлиқ нусхаларда қуйидаги фойдаланувчиларга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15- февралигача бўлган муддатда тақдим етилиши шарт:

²³ Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар.
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган.

- корхонанинг мулкдори ҳисобланган (давлат мулкани бошқаришга ваколатли бўлган органларга, қатнашчиларга, таъсисчиларга) таъсис етиш тўғрисидаги ҳужжатлар асосида;

- давлат солиқ идораларига;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот куни ҳисобот даврининг охири календар куни ҳисобланади. Субъектнинг бухгалтерия баланси учун ҳисобот

5-жадвал

Бир ҳисобот шаклидаги маълумотни иккинчи ҳисобот шаклидаги маълумотга мос келиши²⁴

Кўрсаткичлар	I			II			Маълумот тўғри(+), нотўғри(-) акс этган
	Шакл рақами	Сатр	Сумма	Шакл рақами	Сатр	Сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Асосий воситалар дастлабки қийматда:	1			3			
Йил боши		010(3)			170(3)		+
Йил охири		010(4)			170(6)		+
2. Асосий воситаларнинг эскириши:	1			3			
Йил боши		011(3)			170(7)		+
Йил охири		011(4)			170(10)		+
3. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати:	1			3			
Йил боши		012(3)			170(11)		+
Йил охири		012(4)			170(12)		+
4. Устав фонди:	1			5			
Йил боши		410(3)			010(3)		+
Йил охири		410(4)			110(3)		+
5. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган	1	450(4)		5	110(6)		+

²⁴ Б.Ж.Накимов, И.Х.Чориев, “Молиявий таҳлил”. Ўқув услубий қўлланма. Т.:2013

зарар)							
6. Дебиторлик қарзлар	1	210(3)		2 “а”	3		+
7. Кредиторлик қарзлар	1	610(3)		2 “а”	4		+
8. Тўланган фойзлар	4	110		2	190+180		+
9. Мақсадли тушумлар	1	460		5	080 гр8		+
10. Даромад (фойда) солиғи	2	250		2 (БТМ)	280		+

куни 31-декабр ҳисобланади, молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот учун ҳисобот даври 1- январдан 31-декабригача бўлган давр ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботни бошқа фойдаланувчиларга тақдим этиш тартиби мустақил равишда корхона раҳбарияти (униг мулкдорлари ва таъсисчилари) томонидан тартибга солинади ва корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилади.

Молиявий ҳисобот тузилганда қуйидагилар таъминланиши керак:

- ҳисобот даври ичида амалга оширилган ҳамма хўжалик операциялари ва пул маблағлари, асосий воситалар, моддий қимматликлар ва ҳисоб-китобларнинг тўла акс эттирилиши;
- аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳар ойнинг биринчи санасида бўлган тегишли синтетик счётнинг оборот ва қолдиқ суммалари билан бир хиллиги;
- бухгалтерия ҳисоботи ва баланслари кўрсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари билан бир хиллиги.

Юқорида келтирилган асосий шартларни бажармасдан тузилган бухгалтерия ҳисоботи ва баланслари нотўғри тузилган деб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоботини тузишдан олдин ҳисоботнинг тўғри ва реал тузилишини тўла таъминлай оладиган зарур ишлар қилиниши шарт. Жорий бухгалтерия ҳисобот маълумотларини умумлаштириш, синтетик ва аналитик счётларда ҳамма хўжалик операцияларини акс эттириш, синтетик ҳамда

аналитик счёта бўйича оборот қайдномаларини тузиш ва улар бўйича қолдиқ суммаларини аниқлаш ва бошқа ишлар бухгалтерия ҳисоботи тузишдан аввал бажарилган бўлиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари манфаатдор субъектлар: банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва шу қабилар учун ошқора ҳисобланади. Манфаатдор шахслар йиллик молиявий ҳисобот билан танишиш ва нусха кўчириш харажатларини қоплаб, унинг нусхасини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йили молиявий ҳисоботни ундаги маълумотларнинг тўғрилиги аудитор томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳисобот тугагандан кейин 1-майдан кечиктирмай ёллон қиладилар.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари газеталар, журналлар ва буллетенларда ёки қонунчиликда кўзда тутилган муддатларда алоҳида ёллон қилиниши керак.

6-жадвал

*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш даврийлиги*²⁵

Молиявий ҳисобот шакли	Тақдим этишнинг даврийлиги
Бухгалтерия баланси (1-шакл)	ҳар чоракда
Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл)	ҳар чоракда
Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл)	йиллик
Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл)	йиллик
Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а шакл)	ҳар чоракда

Очиқ акциядорлик жамиятлари ўзлари топширган молиявий ҳисоботлар тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари шарт ҳисобланади. Мажбурий аудиторлик

²⁵ БХМС маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

текширувидан ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 май санасигача хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказилган бўлиши билан биргаликда, аудиторлик хулосасини 15 май санасигача давлат солиқ ва молия органлари топшириши керак бўлади.

III боб. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишни халқаро бухгалтерия ҳисобининг стандартлари асосида такомиллаштириш

3.1 Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлардаги молиявий ҳисобот турлари


Молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун фойдаланиладиган бухгалтерия тамоилларини халқаро миқёсда бир шаклга келтириш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Қўмитаси (БҲХСК) тузилган. Ушбу қўмита томонидан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (БҲХС) ишлаб чиқилиб чоп этилган ва ҳаммажойларда тадбиқ этиш ва риоя қилиш учун тавсия этилгандир.

Халқаро стандартларни ишлаб чиқариш, тасдиқлаш ва чоп этиш билан бевосита Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича Кенгаш амалга оширади. Қуйида келтирилган 8-9-чизма ва 7-жадвалда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Қўмитаси тўғрисида бир қанча маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар билан танишиш натижасида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Қўмитасининг ташкил бўлиши ва таркибий структуравий тузилиши билан танишиш мумкин.



8-чизма. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича Кенгашнинг ташкилий структураси.²⁶

1997 йил Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган конгресда Халқаро Бухгалтерлар Федерациясига (IFAC) қайта ташкил қилинди. Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси фаолиятининг асосий кўрсаткич ва хусусиятлари қуйидаги 9-измада келтирилган.



9-чизма. Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси фаолиятининг асосий кўрсаткичлари²⁷

Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси IFAC таркибига қуйидагилар киради:

- ❖ Молиявий ва бошқарув ҳисоби бўйича қўмита (FMAC)
- ❖ Умумий сектор бўйича қўмита (PSCA)
- ❖ Халқаро аудит стандартлари ва сифат назорати бўйича Кенгаш (AASB)
- ❖ Профессионал таълим бўйича қўмита
- ❖ Профессионал этика бўйича қўмита
- ❖ Аудиторлар Умуммиллий қўмитаси (ТАС).

²⁶ Халқаро ҳисоб ва аудит маркази. “Молиявий ҳисоб 1”. Ўқув қўлланма. Т.: 2012 11-бет.

²⁷ Халқаро ҳисоб ва аудит маркази. “Молиявий ҳисоб 1”. Ўқув қўлланма. Т.: 2012 11-бет.

IFAC секретарияти Нью-Йоркда фаолият юритади. IFACнинг интернетдаги сайтининг адреси www.ifac.org

7-жадвал.

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича Кенгаш²⁸

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари бўйича Кенгаш Асосий тавсиф ва кўрсаткичлар	
Ташкил қилиниши	Австралия, Канада, Франция, Германия, Япония, Мексика, Нидерландия, Ирландия, Буюк Британия ва АҚШ бухгалтерлар профессионал ташкилотлари ўртасидаги келишуви асосида 1973 йилда ташкил этилган.
Штаб-квартира	Лондон
Мақсад	Бутун дунё ташкилотлари молиявий ҳисобот тайёрлашда фойдаланиладиган ҳисоб принципларини ягоналаштиришга интилиш.
Аъзолар	199 та ташкилот ва 88 давлатдаги 6 уюшмали аъзолар
Молиялаштириш	Профессионал бухгалтерлик ташкилотлар, транс миллий компаниялари, молия институтлари, аудиторлик компаниялари ва бошқа ташкилотлар. Ўз ишланма ва нашрларидан фойда
Бюджетнинг даромад бўлими	Йилига 2.5 млн. долл.га яқин

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш каби БҲХСнинг асосий мақсадига эришиш учун қуйидагилар белгиланиши керак:

- вазифани ечиш учун талаб этиладиган молиявий маълумот.
- ахборот тизимини тузиш тамоиллари.
- молиявий ҳисобот элементлари.

Молиявий ҳисоботнинг мақсади молиявий аҳвол, фаолият натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришлар ҳақида маълумот тақдим этишдан

²⁸ Халқаро ҳисоб ва аудит маркази. “Молиявий ҳисоб 1”. Ўқув қўлланма. Т.: 2012 12-бет.

иборатдир. Ушбу маълумот кенг доирадаги фойдаланувчиларга қарорларни қабул қилиш учун зарурдир.

Ушбу мақсадларда тузилган молиявий ҳисобот аксарият фойдаланувчиларни маълумотга бўлган умумий талабларни қониқтиради. Бироқ, молиявий ҳисобот фойдаланувчиларга улар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилиши учун зарур бўлган барча маълумот билан таъминлаш имкониятига эга эмас, чунки у фақат бўлиб ўтиб кетган ҳодисаларнинг молиявий натижаларини акс эттиради ва шунингдек молиявий бўлмаган маълумотни ўз ичига киритади.

Қорхона молиявий аҳволи ҳақида энг тўлиқ маълумот тақдим этиш учун 1-сонли “Молиявий ҳисобни тақдим этиш” Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари (БҲХС) қўлланилади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти асосида тузилдиган ва тақдим этиладиган умумий йўналишдаги молиявий ҳисоботнинг барча шаклларида 1-сонли БҲХС қўлланилиши шарт.

1-сонли БҲХС: “Умумий йўналишдаги молиявий ҳисобот муайян маълумотга талабларни жавоб берадиган ҳисоботни талаб этиш имконияти бўлмаган фойдаланувчиларнинг талабларини қондириш учун тайёрланади. У алоҳида тақдим этиладиган ёки оммавий ҳужжатларнинг бир қисмини тақдим этадиган ҳисобот шаклларида ўз ичига олади.”

Молиявий ҳисоботлар – бу хўжалик бирликларини пул қийматидаги моделлари. Гарчи ҳисобот ишларининг ҳақиқий ҳолатини тўлиқ акс эттира олмаса ҳам (ҳамма нарсани ҳам пул билан ўлчаш мумкин эмас), аммо бунга эришишда бухгалтер томонидан қилинган ҳаракатларнинг энг оқилонаси.

БҲХС га мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тўлиқ мажмуи қуйидагиларни ўз ичига киритади:

- I. Бухгалтерия баланси.
- II. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.

- III. Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот.
 IV. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.
 V. Ҳисоб сиёсати ва тушинтириш хатлар.

8-жадвал

Ҳисоботларнинг бир туркум тенгламалар билан ўзаро боғланганлиги.²⁹

Молиявий ҳисоботлар	Тенгламалар (тенгламаларнинг барча элементлари киритилган)						
Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот	Соф фойда	=	Даромадлар	-	Харажатлар		
Тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот	Давр охирига тақсимланмаган фойда	=	Давр бошига тақсимланмаган фойда	+	Соф фойда	-	Эълон қилинган дивидентлар
Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот	Давр охирига хусусий капитал	=	Давр бошига хусусий капитал	+	Соф фойда	+	Капиталнинг кўпайи-ши (камайи-ши)
					-	-	Эълон қилинган дивидендлар
Бухгалтерия баланси	Давр охирига активлар	=	Давр охирига мажбуриятлар	+	Давр охирига хусусий капитал		

Хорижий мамлакатлар амалиётида молиявий ҳисобот кўрсаткичларига алоҳида аҳамият беради. Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ташқи фойдаланувчилар учун асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Ривожланган хорижий мамлакатларда молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига олади. Бизнинг мамлакатимизда алоҳида ҳисобот шакли

²⁹Халқаро ҳисоб ва аудит маркази. “Молиявий ҳисоб 1”. Ўқув қўлланма. Т.: 2012 15-бет.

сифатида киритилган «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот алоҳида эътироф этилмаган.

3.2 Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларинидаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишни халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари даражасига яқинлаштириш масалалари

Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ бўлиб, фақат бундан «Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисобот мустаснодир.

Баланс тузишнинг фойдалилиги шундан иборатки, баланс кўпчилик молиявий коэффициентларни (ликвидлилик, молиявий мослашувчанлик, рентабеллик ва бошқалар) ҳисоблаш учун асос яратади. Шунингдек баланс ишлаб чиқариш корхонасиснинг ва унинг янги ишлаб чиқаришларнинг ўзлаштиришдаги сиёсатини, унинг активлврени баҳолашга имкон яратади.

Баланс тан олинган барча қийматликлар жорий деб тан олинган барча қийматликлар жорий деб тан олинмайди. Пул маблағларининг қиймати жорий ҳисобланади, бироқ бино ва ускуналар (ёки ,камида, уларнинг аксарият қисми) каби моддалар қиймати узоқ муддатли қиймат ҳисобланади. Активлврга тўғри келадиган фойда коэффициентига ўхшаш коэффициентларнинг суратида пул маблағларининг жорий қиймати, махражида эса пул маблағларининг тарихий қийматидаги кўрсаткичларида ифодаланади. Бу вазиятларда компанияларни ўзаро солиштириш чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Улардан ташқари баланс кўп сонли ҳисобланган суммаларни ўз ичига киритади (шубхали дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган заралар, жамғарилган эскириш). Айрим мажбуриятлар ҳам ҳисобланган бўлади: даромад солиғи, кафолатмажбуриятлари бўйича харажатлар, нафақа мажбуриятлари ва бошқалар. Баланснинг баъзи маълумотларининг қиймати аниқ бўлмаслиги мумкин. Бунга мисол тариқасида номоддий активлврени ва солиқ тўловлври бўйича муддати узайтирилган мажбуриятларни келтириш мумкин.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни кўпинча молиявий-хўжалик фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисобот деб аталади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот берилган ҳисобот берилган ҳисобот даврининг бошига ва охирига бўлган баланслар ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Ҳисобот молиявий хўжалик операциялари (даромад ва харажатлар) келтириб чиқарилган молиявий хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни тушунтириб беради.

9-жадвал

Бухгалтерия баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг узвий боғлиқлиги³⁰

(шартли бирликда)

Ҳисобот даврининг бошига баланс		Ҳисобот даври учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот		Ҳисобот даврининг охирига баланс	
Активлар	1,000,000	Даромадлар	900,000	Активлар	1,100,000
Мажбуриятлар	600,000	Харажатлар	700,000	Мажбуриятлар	500,000
Хусусий капитал	400,000	Соф фойда	200,000	Хусусий капитал	600,000

Юқорида келтирилган 9-жадвал маълумотлари асосида ҳисобот даври давомида мулкдорлар томонидан янги инвестициялар қилинмаса ёки компания инвестицияларини қисқартирмаса, давр давомида хусусий капиталнинг ўзгариши бутун давр учун бўлган соф фойдага тенг бўлади. Аввалги мисолда бошланғич хусусий капитал 400,000 ш.б. давр учун соф фойда 200,000 ш.б. даврининг охирига хусусий капитал 600,000 ш.б. тенг. Хусусий капитални икки қолдиғи бир-бири билан боғлиқ ва бунинг манбалари ва ўзгаришларнинг сабабларини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда топиш мумкин.

Битирув малаквий иши тайёрлаш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг мамлакатимиздаги молиявий ҳисоботлар тизими билан яқиндан танишиб чиқдиб, қуйидаги таклифларни киритишни жоиз кўрдик.

Бухгалтерия балансининг охириги баланс суммасини аниқлашда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида кўрсатилган тартибда

³⁰ Халқаро ҳисоб ва аудит маркази. “Молиявий ҳисоб 1”. Ўқув қўлланма. Т.: 2012 17-бет.

ҳисоблаб чиқиш. Бу тартибда ҳисоблаш корхонанинг баланс суммасини корхонанинг реал қийматига яқинлаштиради. Қуйида келтирилган жадваллар маълумотлари асосида таққослаш имкониятига эга бўламиз. Жадвал маълумотларидан шу маълумки, миллий стандартлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган баланс суммаси таркибида корхонага тегишли бўлмаган (бажарилиши керак бўлган мажбуриятлар) суммалар киритилиган ҳолатда ҳисобланмоқда.

10- жадвал.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қоидаларига асосан тузилган баланс.

Кўрсаткичлар		Сумма (шартли бирликда)
АКТИВ		
1.1	Узоқ муддатли активлар	14
1.2	Жорий активлар	6
	Баланснинг актив қисми бўйича жами	20(14+6)
ПАССИВ		
2.1	Ўз маблағлари манбаи	12
2.2	Мажбуриятлар	8
	Баланснинг пассив қисми бўйича жами	20(12+8)

11- жадвал

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қоидаларига асосан тузилган баланс³¹

Кўрсаткичлар		Сумма (шартли бирликда)
АКТИВ		
1.1	Узоқ муддатли активлар	14
1.2	Жорий активлар	6
1.3	Жорий мажбуриятлар	5
	Баланснинг актив қисми бўйича жами	15 ((6-5)+14)
ПАССИВ		
2.1	Ўз маблағлари манбаи	12
2.2	Узоқ муддатли мажбуриятлар	3
	Баланснинг пассив қисми бўйича жами	15(12+3)

³¹ БҲМС ва БҲХС маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Халқаро стандарт қоидалари асосида тузилган ҳисоботлар, маълумотдан фойдаланувчилар учун корхона ҳолатига баҳо беришида кўпгина қулайликлар яратиб беради. Юқорида келтирилган 10-11-жадвал маълумотлари асосида БҲМС ва БҲХС га кўра тузилган бухгалтерия балансининг фарқларини кўришимиз мумкин.

Молиявий ҳисобот шакллариининг асосий якуний кўрсаткичлари бири-бири билан узвий боғлиқдир. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг соф фойда суммаси, тақсимланмаган фойда ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг худди шундай номдаги кўрсаткичига тенг бўлиши лозим. Акс ҳолда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг мослиги ва ҳаққонийлигига путур етади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган молиявий ҳисобот шакллариининг тузилиши бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган молиявий ҳисобот шаклларида фарқ қилади.

Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансида активлар уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирокидан келиб чиққан ҳолда, энг аввало, узоқ муддатли активлар ва кейин жорий активлар жойлаштирилган бўлса, ривожланган хорижий мамлакатларда қўлланилаётган бухгалтерия балансида активлар ликвидлилик даражасига қараб жойлаштирилган. Шунингдек, баланснинг пассив қисмида мажбуриятлар муддатларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилган.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган шакли кўрсаткичлари бизнинг мамлакатимиздагидан фарқ қилади. Ушбу ҳисобот шаклида молиявий натижалар фаолият турлари–асосий, молиявий ва инвестицион фаолият бўйича аниқланади. Мамлакатимизда эса молиявий натижа асосий ва молиявий фаолият бўйича аниқланади. Шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларда ушбу ҳисобот шакли турли номлар билан аталади. Жумладан, «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот деб ҳам номланади. Аммо улар мазмун жиҳатдан бир-бирига жуда ҳам яқин.

Таксимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот мамлакатимида қўлланилмайди. Ушбу ҳисобот шаклини тузиш жуда оддий, шу билан биргаликда унинг кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий мустаҳкамлигини белгилаб беради. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида қайси хўжалик юритувчи субъектда таксимланмаган фойда мавжуд бўлса ва унинг суммаси узлуксиз равишда ўсиб борса, бу ҳар хил молиявий характердаги рисклар учун мустаҳкам захира жамғармасининг мавжудлигини кўрсатади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот шаклида мамлакатимиздан фарқли ўлароқ узоқ муддатли моддий активлар тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд бўлади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шакли бизнинг мамлакатимиздагидан унчалик катта фарқ қилмайди. Аммо хўжалик юритувчи субъект фаолияти учун ўта муҳим ҳисобланади. Уни тузишда бевосита ва билвосита усуллар қўлланилади.

Пул ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот субъектининг операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятнинг ўз пул маблағларига маълум ҳисобот даври ичида таъсирини акс эттиради, шу давр ичида пул маблағларининг ўзгаришини тушунтиради. Пул оқимлари тўғрисидаги қўллаш қуйидагиларни аниқлашга ёрдам беради:

- Корхонанинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилиятини ва ташкилотнинг шу каби пул оқимларини ишлатишга эҳтиёжини аниқлаш;
- Ташкилотнинг соф активларидаги ўзгаришлар, унинг молиявий тузилишини (унинг ликвидлигини ва тўлов қобилияти билан бирга) ва унинг ўзгариб турган шароит ва имкониятларга мослашиш учун ўз вақтида пул миқдорига ва пул оқимларига таъсир этиш қобилиятини аниқлаш;
- Ҳар хил ташкилотларнинг операцион фаолиятларини таққослаш, чунки бу айти операцион ва хўжалик фаолиятининг ҳодисалари учун ҳар хил ҳисоблаш усуллари қўлланишни икор этади.

Ҳисоботда ёритиладиган фаолият турлари:

Операцион фаолияти- юридик шахснинг даромад олиш юзасидан асосий фаолият ва инвестиция ва молиявий фаолиятга мансуб бўлмаган бошқа фаолиятдир.

Инвестиция фаолияти- бу пул эквивалентларига кирмайдиган узок муддатли активларни ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш, тўланадиган кредитларнинг берилиши ва олиниши.

Молиявий фаолият- бу фаолият натижасида ташкилотнинг хусусий капиталининг ва қарзларининг ҳажмида ва тузилишида ўзгаришлар содир бўлади.

Қуйида келтирилган 12-жадвалда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига кўра тузиладиган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот келтирилган.

12-жадвал

БҲҲС да пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шакли³²

I.	Операцион фаолиятдан пул маблағларининг ҳаракати		
	Пул маблағларинг барча кими ва чиқимлари рўйхати	<u>XXX</u>	
	Операцион фаолиятдан пул маблағларининг ҳолати		XXX
II.	Инвестиция фаолиятидан пул маблағларининг ҳаракати		
	Пул маблағларининг барча кими ва чиқимларини рўйхати	<u>XXX</u>	
	Инвестиция фаолиятидан пул маблағларининг ҳолати		XXX
III.	Молиявий фаолиятдан пул маблағларининг ҳолати		
	Пул маблағларининг барча кими ва чиқимларини рўйхати	<u>XXX</u>	
	Молиявий фаолиятдан пул маблағларининг ҳолати		<u>XXX</u>
	Пул маблағларининг ҳолатида соф ўзгариш		XXX
	Ҳисобот даврининг бошига соф пул маблағлари		<u>XXX</u>
	Ҳисобот даврининг охирига пул маблағлари		XXX
	Инвестиция ва молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган пулсиз операциялар рўйхати		
	(Барча операциялар рўйхати)		XXX

³²Халқаро ҳисоб ва аудит маркази. “Молиявий ҳисоб I”. Ўқув қўлланма. Т.: 2012 159-бет.

БҲҲСларга кўра пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот шакли икки ҳил усулда ҳисоблаб чиқарилади. Улар эгри ва тўғри усуллардир.

Тўғри усул асосий кирим ва тўловларни ёритишни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳар бир моддасини ўзгартирилишини кўзда тутди. Тўғри усул келгусидаги пул оқимларини аниқлашда керак бўлиши мумкин бўлган ахборот билан таъминлайди;

Эгри усул фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳар бир моддасини ўзгартиришни талаб этмайди. Эгри усул қўлланилганда, операцион фаолият натижасида вужудга келадиган, шунингдек инвестиция ва молиявий фаолиятдан пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар моддалари пулсиз муомалалар, ҳар қандай муддатни узайтиришлар, ўтган ва келгуси ҳисобот даврлари учун киримлар ва чиқимлар ёрдамидаги таъсирини акс эттириш учун соф фойда ва зарарлар миқдори бутунлай тузатилади.

Тўғри ва эгри усулларининг қўлланилиши бир натижага олиб келади ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти бўйича Қўмита икки усулни ҳам тан олади, аммо тўғри усулни қўллашни тавсия қилади.

Тўғри ва эгри усулларнинг қўлланиш билан тузилган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлари орасидаги фарқ, фақат операцион фаолият натижасидаги пул оқимларини акс эттирган бўлимида ўз аксини топади.

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритиши ва ривожланиши учун қулай меъёрий – ҳуқуқий муҳит яратиш ҳисобланади. Бу каби вазифаларнинг амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув тизимини яхшиланишига, маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи молиявий натижа ҳисоби ва таҳлилини ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг ривожланган давлатлар тажрибаси асосида янги усулларини ўзлаштириш, амалиётда улардан самарали фойдаланишга эътибор қаратишни тақозо этади. Иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораётган ҳозирги замонда иқтисодий ахборотга бўлган эҳтиёжлар ошиб, уларга бўлган талаблар кундан-кунга ортиб бормоқда. Келгусида содир бўладиган жарёнлар ҳақида бирмунча маълумотга эга бўлиш, ҳар жабҳада шу жараёнларга тайёргарлик ва тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектларининг фаолияти ва ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан мавжуд ҳисоб тизимига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳозирги бозор муносабатлари ва ҳалқаро талабларларга жавоб берувчи бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқилган. Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви, ҳисоб тизими ва ҳисобот шакллариининг дунё миқёсида бир ҳил бўлишини талаб қилмоқда.

Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни катта қисмини қизиқтирадиган энг асосий кўрсаткич – бу молиявий натижа кўрсаткичлари ҳисобланади. Айнан шу кўрсаткичлар ёрдамида корхонанинг яқин икки йиллик фаолияти натижаларига баҳо бериш мумкин.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида корхоналарнинг молиявий натижаларини самарали ташкил этилиши улар томонидан фойда олишни тўғри ҳисобга олиниши ҳамда унинг учун таҳлилий ишларни мунтазам амалга ошириш ўта зарур ҳисобланади ва битирув малакавий иш

мавзуси ҳам мана шу долзарблилик асосида эътироф этилиб, битирув малакавий ишни ёритиш асносида қуйидаги асосий ҳулоса ва таклифлар берамиз:

1. Мамлақтимизда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида бухгалтерия балансини тузишга ўзгартириш киритиш керак деб ўйлаймиз. Бухгалтерия балансини БҲХС келтирилган тартибда жорий активлардан жорий мажбуриятларни чегириб ташланган ҳолатда ҳисобланса, баланс суммасида берилган сумма бирмунча ишончли ва ҳисоботдан фойдаланувчилар учун корхона фаолиятини таҳлил қилишда қулай бўлади.

2. Ҳозирда амал қилиб келинаётган баланс ҳисоботи таркибидаги маълумотларни қисқартириш ва қисқартирилган маълумотларни ҳисоботлар учун тушунтиришлар таркибига ўтказиш таклифини киритмоқчимиз. Бу таклифни амалиётга тадбиқ этиш орқали узундан узоқ ва тўлиқ маълумотларни балансда ёритмасдан уларнинг фақат жамланган ҳолатлардаги суммасини кўрсатиш, яқунда корхонанинг ички маълумотларини кенг оммага тарқалиб кетмаслигини таъминлаб беради.

3. Ҳозир вақтда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида компьютер технологиялари ўрнини ошириш мақсадида кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу ислохотлар натижасида корхона ҳисобчиларининг қимматли вақти, ҳисобот топшириш билан боғлиқ бўлган бошқа сарфларини қисқартириш имконини беради. Электрон тарзда ҳисоботларни топширишни янада оммалаштириш ва жўнатилган ҳисоботларни текшириш ҳамда жавоб қайтариш муддатини қисқартириш керак деб ҳисоблаймиз.

4. Молиявий натижаларни шакллантириш ва соф фойдани оширишда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти катта. Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш орқали корхона фаолиятига баҳо берилиши ҳаммамизга маълум. Лекин таҳлил қилиш учун бирмунча иқтисодий тушунчаларни билиш ва ҳисоблаш усулидан хабардор бўлиш керак бўлади. Шундай экан корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш учун БҲМС га асосланган ҳолда ишлайдиган дастурий тизим жорий қилиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Ҳисоботларни электрон шаклда топшириш, бирмунча қулайликлар яратиб беради: Биринчи навбатда вақтни тежайди, харажат (йўл, концелярия ва бошқа)ларни камайтириш имконини беради, тезкор текшириш ва хато камчиликларни тўғирлаш имконини беради.

Бухгалтерларнинг қимматли вақти ва меҳнат сарфини оптималлаштириш мақсадида улар учун янги “Солиқ Инфо” – электрон ҳисобот учун дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилган. Дастур ҳисоботларни нафақат тегишли назорат қилувчи органларга муаммосиз топшириш имкониятини яратади, балки “Солиқ Инфо” газетасининг электрон кўринишига кириш ҳамда зарурат туғилганда, бухгалтерия ҳисоби ва кадрлар ишини юритиш бўйича юзага келадиган саволлар юзасидан онлайн режимида маслаҳат олиш имконини беради. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, дастур ёрдамида солиқ ва молиявий ҳисоботларни Интернет тармоғига уланмасдан тўлдириш мумкин. Бунда маълумотларнинг бутлиги таъминланади ва “йўқотишларсиз” қулай иш шароити кафолатланади. Шу тариқа амалда Интернет тизимининг алоқа каналларидан фақат ҳисоботни юбориш пайтида фойдаланиш керак бўлади...³³

Битирув малакавий ишда ҳўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолият фойдасининг молиявий натижалар ичида энг муҳим қаторлардан бири эканлиги кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Харажатларнинг ошиб бориши фойдани камайтиради, лекин ўз ўрнида ва оқилона сарфланган харажатлар келгусида фойда келтиради.

Юқоридаги хулоса ва таклифлар, тавсиялар ҳўжалик юритувчи субъектлар амалиётида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва уларни таҳлил қилишда инобатга олинса, бу борадаги ишлар ижобий томонга ўзгаради.

³³ Кат.ўқ. И.Шеримбетов, О.Усмонов. “”ТМИ Конференция материаллари 14.12.2013йил. 129-бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2007 йил 22 ноябрда тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 21.12.1995 йил тасдиқланган, 01.04.1996 йилдан кучга кирган.
4. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун хўжалик субъектлар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони. 1995 йил 12 май, 2003 йил 4 июлдаги ўзгартиришлар билан.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 6 октябр.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4453 сонли. “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2012 йил 16 июль, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012й.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низоми. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.

11. Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

12. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”— Т.: Ўзбекистон, 2009.

13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон. 2010

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: Ўзбекистон. 2011.

15. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2012 йил

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон. 2013 йил.

17. И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2014 йил.

V. Асосий ва қўшимча адабиётлар.

- 18.Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. Дарслик. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро (IAS), Америка (GAAP) ва миллий (БХМС) стандартларига асосан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. – Т.: Молия, 2002.-456 б.
- 19.Жўраев Н.Ю. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.: 2007. - 172 б.
- 20.Гадоев Э. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2009. Тошкент: NORMA, 2010.- 597 б.
- 21.Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент NORMA. 2010.
- 22.Джамбакиева Г. Финансовый учет. Учебное пособие. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 348 б.
- 23.Завалишина И.А. Бухучет по новому. –Т.: Мир экономики и права, 2004. 432 стр.
- 24.Б.Ж. Хакимов, И.Х.Чориев, “Молиявий таҳлил”. Ўқув услубий қўлланма. Т.:2013-119 б.
- 25.Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-444 б
- 26.Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.-592б.
- 27.Ортиқов Х.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. -528 б.
- 28.Ортиқов Х.А. ва бош Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. — 368-6
- 29.Очилов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2007.-256 б.
- 30.Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. 252 б.
- 31.Сотволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Миллий Ассоциацияси, 2004, 429 б.

32.Сотволдиев А.С. Финансовый и управленческий учет. Учебник. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 280 б.

33.Сотиволдиев А.С. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Тошкент: NORMA, 2010 йил. 280 б.

34.Ўразов Б., Воҳидов В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Т.: «ADIB NASHRIYOTI», 2011 й. – 494 б.

35.Фуломова Ф.Ғ. “Молиявий ҳисоб 1”. Ўқув қўлланма.Т.:2012.-176 б.

36.Фуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: NORMA, 2012 йил. 496 б.

37. Сотиволдиев А., Болибеков Б. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонунни такомиллаштириш йўлида” номли мақоласидан ТМИ Конференция материаллари 14.12.2013-56 б.

38.Шеримбетов И., Усмонов О. “Ҳисобот тизимини автоматлаштиришнинг афзалликлари” номли мақоласидан ТМИ Конференция материаллари 14.12.2013-128 б.

VI. Интернет сайтлари

<http://www.gov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)

<http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

<http://www.lex.uz> (Ўз. Респ. қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)

<http://www.ifac.org> (Халқаро Бухгалтерлар Федерациясининг расмий сайти)